«AUDIT-KIM» MChJ AT
Тошкент ш., Шахрисабз куч., 16а
Тел: 90 614 98 34, 90 324 48 95
Эл почта: audit-kim@bk.ru
Р/с: 20208000900521622001
в ОАКБ "Ипак-Йули"
МФО: 01067
СТИР: 202021845, ОКЭД:69202

AUDIT
KIM
АУДИТОРЛИК
ТАШКИЛОТИ

АО ООО «AUDIT-KIM»
г.Ташкент, ул. Шахрисабзская,16а
Тел: 90 614 98 34, 90 324 48 95
Эл почта: audit-kim@bk.ru
Р/с: 20208000900521622001
в Чил ф-ле АКБ "Ипак-Йули"
МФО: 01067
ИНН: 202021845, ОКЭД: 69202

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛАР ХУЛОСАСИ

"BUXORODONMAXSULOTLARI" Акциядорлик жамияти таъсисчилари ва раҳбариятига

Фикр (Хулоса)

Биз "BUXORODONMAXSULOTLARI" акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда "Жамият" деб юритилади) 2025 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнидаги фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботи ва пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи, шунингдек молиявий ҳисоботга изоҳлар, шу жумладан ҳисоб сиёсатининг асосий ҳолатлари қисқача шархини ўз ичига олган молиявий ҳисоботлар аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, илова қилинаётган молиявий ҳисоботлар Жамиятнинг 2025 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний акс эттирган.

Фикр билдириш учун асос

Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига (ISA) мувофиқ олиб бордик. Ушбу стандартларга мувофиқ бизнинг мажбуриятларимиз ҳисоботимизнинг "Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича аудиторнинг жавобгарлиги" бўлимида батафсил кўрсатиб берилган. Биз бухгалтерлар ахлоқининг Халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (IESBA) ахлоқ кодекси ва Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботлар аудитига нисбатан қўлланиладиган ахлоқий талабларга мувофиқ Жамиятга нисбатан мустақилмиз ва биз томонимиздан бу талабларга ва IESBA кодексига мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятлар бажарилди. Бизнинг фикримизча, биз олган аудиторлик далиллари фикр билдиришимизга асос бўлиши учун етарли ва устувор(ишонарли)дир.

Молиявий ҳисоботлар бўйича жамият раҳбариятининг масъулияти

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш ҳамда ғаразли хатти-ҳаракатлар ёки хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисобланган раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона ўз фаолиятини узлуксиз давом этдира олишга қодирлигини баҳолаш, фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ бўлган ахборотларни очиқлаш ва раҳбарият томонидан корхонани тугатиш, фаолиятни тўхтатиш режаси мавжуд ҳолларни, ёхуд раҳбариятда тугатиш ёки фаолиятини

Ш. П. Ҳайдарова _____ Ғ. Р. Бобомуродов _____

тўхтатишдан бошқа реал муқобил вариант мавжуд бўлмаган ҳолларни истисно қилганда, фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгардир.
Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Аудиторларнинг масъулияти

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботда ҳамда ғаразли ҳатти-ҳаракатлар ёки хато туфайли жиддий (бузиб кўрсатишлар) нотўғри маълумотлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олган аудиторлик хулосасини тақдим этишдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончдир, лекин АХС га мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам жиддий (бузиб кўрсатиш) нотўғри маълумот мавжуд бўлганда уни аниқлашга кафолат беролмайди.
Нотўғри маълумотлар ғаразли ҳатти-ҳаракат ёки хатолик натижасида юзага келиши мумкин ва агар улар алоҳида-алоҳида ёки умумий ҳолда фойдаланувчиларнинг ушбу молиявий ҳисоботлар юзасидан қабул қилинадиган қарорларига таъсир этиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Халқаро Аудит Стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудит доирасида биз профессионал мулоҳаза юритамиз ва аудит жараёнида профессионал скептицизмни (совуққонликни) сақлаймиз. Бундан ташқари, биз қуйидагиларни бажарамиз:

- Ғаразли ҳатти-ҳаракатлар ёки хато туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий (бузиб) нотўғри кўрсатилиши таваккалчилиги (риски)ни аниқлаш ва баҳолаш; ушбу рискларга жавобан аудит процедураларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; фикримизга асос бўлиши учун етарли ва ишонарли аудиторлик далилларини олиш. Ғаразли ҳатти-ҳаракатлар натижасида йўл қўйилган жиддий нотўғри маълумотни аниқланмаслик хавфи хато туфайли юзага келган жиддий нотўғри маълумотни аниқламанслик хавфидан юқорироқдир, чунки ғаразли ҳатти-ҳаракатлар тил бириктириш, қалбакилаштириш, атайлаб тушириб қолдириш, нотўғри маълумот тақдим этиш ёки ички назоратни четлаб ўтишни ўз ичига олиши мумкин;
- Ташкилот ички назорат тизимининг оператив самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш учун эмас, балки Аудиторлик муолажа (процедура)ларни ишлаб чиқиш мақсадида, аудит учун аҳамиятли бўлган, ички назорат тизими тўғрисида тушунчага эга бўлиш;
- Қўлланилган ҳисоб сиёсатининг тўғрилигини ҳамда раҳбарият томонидан тайёрланган бухгалтерлик баҳолашлар (қийматлар)нинг асослилигини ва маълумотларнинг тегишли тартибда очиқланишини баҳолаш;
- Раҳбарият томонидан фаолиятнинг узлуксизлиги ҳақидаги фаразни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ва олинган аудиторлик далиллари асосида ташкилот фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган воқеалар ёки шароитлар билан боғлиқ жиддий ноаниқлик мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқариш. Агар биз жиддий ноаниқлик мавжуд деган хулосага келсак, биз аудиторлик ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ушбу маълумотларни тегишли тартибда очиқлашга эътиборни қаратишимиз ёки, маълумотлар нотўғри очиқланган бўлса, фикримизни ўзгартиришимиз лозим. Бизнинг хулосаларимиз аудиторлик хулосаси чиқарилгунга қадар олинган аудиторлик далилларига асосланади. Бироқ, келгуси воқеалар ва шароитлар ташкилот фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини йўқотишига олиб келиши мумкин.

Биз аудит жараёнида бошқарув ваколатига эга бўлган шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қиламиз, уларнинг эътиборига аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддатлари, шунингдек, аудит натижалари бўйича муҳим кузатувлар, шу жумладан,

Ш. П. Ҳайдарова _____ Ғ. Р. Бобомуродов _____

аудит жараёнида аниқланган ички назорат тизимидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги маълумотларни етказамиз.

Аудитор Ш. П. Ҳайдарова
(22.12.2017 йилдаги 05541- сон аудитор сертификати)

«AUDIT- KIM» МЧЖ АТ
Директор – аудитор Ғ. Р. Бобомуродов
(17.08.2018 йилдаги 05562-сон аудитор сертификати)
Тошкент, Ўзбекистон
09 февраль 2026 йил

«AUDIT- KIM» МЧЖ АТ 2021йил 03 июнда ваколатли орган реестрига 7 рақам билан киритилган.